

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК, СТОМАТОЛОГИЯ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ МУАММОЛАРИ

Гаффоров С.А.¹, Гиёсова Н.А.²

¹ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази "Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтия" кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор, "Халқаро экология инсон ва табиат хавфсизлиги фанлар академияси" ва "Халқаро стоматологлар академияси" академиги. <https://orcid.org/0000-0003-2816-3162>

² Абу Али ибн Сино номидаги «Жамоат саломатлиги» техникуми ишлаб чиқариш таълими буйича ўринбосари.

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси ва қўшни давлат ҳудудларидаги саноат корхоналари иш ўринлари, экологик назорат ҳудудидаги экогигиеник ҳолат ва ишлаб чиқариш жараёни сабаб юзага келаётган кимёвий, физикавий, биологик, физик омилларнинг ишчилар ва атроф муҳит, аҳоли организмига салбий таъсири тўғрисидаги узоқ йиллик илмий тадқиқот натижалари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Муаллифлар, экогигиеник тизимни салбий омилларини инсон организмига таъсирини бартараф этиш учун, нафақат бир давлат, ёки бир ҳудуд миқёсида тадбирлар ўтказиш, балки Ер қуррасидаги мавжуд давлатлар, нодавлат жамиятлар ва инсонлар бир вақтда курашиши, келажак авлодни миллати, ирқи ва яшаб турган тизимидан қатъий назар ёш авлодлари тарбиясида экологик тушунчаларни кенг тарғиб қилиши зарурати таъкидланган.

Калит сўзлар: экология, гигиена, стоматология, кимёвий унсурлар, физик омиллар, биологик омиллар, ҳавонинг ифлосланиши, стоматологик касалликлар.

Для цитирования:

Гаффоров С.А., Гиёсова Н.А. Экологик барқарорлик, стоматология ва инсон саломатлиги муаммолари.

Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия. 2023;2(1):192–208.

<https://doi.org/10.57231/j.idmfs.2023.2.1.028>

ECOLOGICAL STABILITY, DENTISTRY AND THE PROBLEM OF HUMAN HEALTH

Gafforov S.A.¹, Giyosova N.A.²

¹ Ministry of Health of Uzbekistan, head of the Department of "Stomatology, Children's Dentistry and Orthodontics", Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers, doctor of medical sciences, professor, academician of "International Academy of Sciences of Ecology, Human and Nature Safety" and "International Academy of Dentists". <https://orcid.org/0000-0003-2816-3162>

² Deputy for production education of "Public Health" Technical College named after Abu Ali Ibn Sina

ABSTRACT

The results of a long-term scientific study on the negative impact of chemical, physical, biological, physical factors on the organism of workers and environmental environment of industrial enterprises of the Republic of Uzbekistan and neighboring state regions on the cause of the workplaces, the ecogigienic state in the ecological control regime and the production process were comprehensively evaluated. The authors say that in order to eliminate the influence of negative factors of the ecogigienic system on the human body, it is necessary not only to conduct activities in the area of one state or one territory, but also to simultaneously fight the existing states, non-governmental societies and people in the land sphere, to widely promote environmental concepts in the education.

Key words: ecology, hygiene, dentistry, chemical elements, physical factors, biological factors, pollution of air, dental diseases.

For citation:

Gafforov S.A., Giyosova N.A. Ecological stability, dentistry and the problem of human health. *Integrative dentistry and maxillofacial surgery.* 2023;2(1):192–208. <https://doi.org/10.57231/j.idmfs.2023.2.1.028>

ДОЛЗАРБЛИГИ

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида бошланган фан-техника инқилоби жамиятда ишлаб чиқариш қўламини кескин ошириш эвазига аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш билан бирган моддий ва маънавий эҳтиёж-ни янада тўлароқ қондириш учун табиий ресурслар исёмоли ҳажмининг муттасил ўсиб боришига олиб келди. Натижада XXI асрга келиб, атроф-муҳит муҳофазаси инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Бу жараённинг тез суръатлар билан ривожланиши жамият билан табиат, инсон билан уни ўраб турган атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни мураккаблаштириб, биосферада экологик жараёнларни бошқаришда кутилмаган ўзгаришларни келтириб чиқармоқда.

Маълумотларга кўра, ҳар куни Ер қаъридан 300 млн тонна маъдан қазиб олиш учун 30 млн. тонна ёқилғи, уларнинг ёниши учун 60 млрд. м³ ҳаво оксигени ва 1 млрд. м³ сув сарфланишини ва аксинча маъданлардан олинадиган фойдали моддалар факатгин 2% ни ташкил қилиб, қолган қолдиқ маъданлар саноат чиқиндиси сифатида атроф-муҳитни ифлослантиришини таъкидламоқда [5, 24]. Айни вақтда (XXI аср) дунё бўйича йилига 1 млн. инсон тўйиб овқатланмайди, 35-40 минг киши очликдан оламдан ўтмоқда, 1,2-1,5 млрд. аҳоли тоза ичимлик сувидан маҳрум, 2 млрд. киши электр энергиясидан маҳрум, 1,6 млрд. киши саводсиз, охириги 50-70 йилда 20% ерлар маҳсулдорлиги йўқотилган, ғалла майдонлари аҳоли жон бошига 0,23 га дан 0,11 га гача қисқарган ва 20 млн. га ер ҳар йили қум босиб чўлга айланиб бормоқда ва бошқалар (17, 24).

Шунингдек, 2000 йилларда сайёрада ҳар гектар (га) ерга 40 кг азот, фосфор ва калий ўғити ишлатилиши, минерал ўғитларга бўлган эҳтиёж 300 млн. тоннага, шу жумладан, азотли ўғитларга 170 млн. тонна, фосфорли ўғитларга – 670 млн.т., калийли ўғитларга – 60млн. тонна га етгани ва бу эҳтиёж йиллар давомида ўсишини; Республикамизда бўз тупроқли ерларнинг ҳар йили га 150 кг азот, 100 кг фосфор, 50-75 кг калий ўғити ишлатилган (ЎзРесСтатистика тўпламида (2008 й. 24) келтирилган маълумотлар собиқ иттифоқ даврида Республикамиз хўжаликларида 1,3-1,4 млн. тонна минерал ўғитлар, 80-85 минг тон-

на ҳар хил пестицидлар, жумладан, 1990 йилнинг ўзида 600.000 тоннага яқин азот ўғити ишлатилган, 1995 йили бу миқдорни 730.000 тоннага етказиш мўлжалланган, шунингдек, республикамизда минерал ўғит ишлаб чиқариш 1997 йил маъданли ўғитлар (100% озуқа ҳисобида) 954,5 тонна, 2007 йилга келиб 1 млн 24,1 тонна, шундан азотли ўғитлар 1997 йили 825,6 тонна, 2007 йили 874,9 тонна, фосфатли ўғитлар -128,9 тонна, 2007 йилда 149,2 тонна ишлаб чиқарилганлиги келтирилган. Ушбу кимёвий унсурлар атроф муҳит, табиий ўсимликларимиз орқали инсоният танасига салбий таъсири тўғрисида қатор илмий адабиётларда келтирилган (5, 10, 24).

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ-2020 й.) маълумотларида охириги 50 йилда инсониятда касалликларнинг янгича тури ва янгича кечиши 1,2 баробарга купайгани таъкидланган. Долзарб муаммоларнинг ечимини топиш учун эколог, гигиенист ва тиббиётнинг қатор мутахассислари, жумладан стоматологлар лозим вазифаларини аниқ шакллантиришлари, муаммоларни ечимида ҳукумат ва ижрочи ваколатли шахсларини фаолияти зарурлигини, ҳамда ҳукумат тизими аралашувисиз мақсадга эришиб бўлмаслигини ташфиқот қилишимизни тақозо қилмоқда.

Мақсад: Илмий далилларга асосланган тадқиқот натижаларининг ретроспектив ва проспектив таҳлили ва касалликларнинг профилактикаси, даволаш, реабилитациясида тадқиқотлар натижаларига таяниб ёндошувни такомиллаштириш, жамоатчиликни, давлат ваколатли ташкилотлари ва мутахассислар иштирокининг биргаликдаги ҳаракати заруратини асослаш.

Тадқиқот объекти ва усуллари. Тадқиқотлар дастлаб, - соҳага тегишли фанларнинг вазифаларини, терминологияларини таҳлил қилиш; - олинган натижаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва минтақалараро сиёсий ҳамоҳангликдаги инсоний омилларни таҳлили асосида йўриқнома ва тавсияларни асослаш амалга оширилди. Илмий ишларни амалга ошириш мақсадида бир неча фанлараро услубиятларга таянган, интеграллашган комплекс; гигиена, экология, физиология, стоматология, морфология, биокимё, ядро-физикаси, кибернетика, генетика, иммунология, токсикология ва жонзотларда тажриба усуллариининг натижалари

тахлилидан фойдаланилди.

Натижалар ва уларнинг тахлили. Экология фани; экология ва гигиена фанлари табиатни муҳофаза қилишда бир-бирларини тўлдириб, табиий ҳудудлар экогигиеник ноқулай ҳолатларни олдини олади, инсониятни келиб чиқаётган турли касалликлардан асрашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди, жумладан, экзo-экологик салбий омиллар биринчи навбатда аҳоли турар жойларида яшайдиган кишиларнинг оғиз бўшлиғи (ОБ) тўқималари ва аъзоларининг жиддий касалликларига сабаб бўлмоқда; ОБ аъзо ва тўқималарида кечаётган касалликлар ҳаво, сув, озиқ-овқатлар билан танага тушаётган турли хил кимёвий омилларнинг салбий таъсирида эканлиги маълум [1, 3, 4, 6, 7, 12, 16, 20, 25]. Экология – юнонча-oikos-яъни уй, яшаш макон, logos-таълимотини Эрнест Геккел (1866 й.) “Экология-табиатни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали тирик организмларнинг органик ва ноорганик муҳит унсурлари билан бирга унинг таъсир доирасида турган антогонистик ва ноантогонистик алоқадорликни - ўсимлик ва ҳайвон ўртасидаги муносабатларни очиб беришдир” деб таъкидлаган (24). Ҳозирги вақтда Экология; “саноат экологияси”, “кимё экологияси”, “биокимёвий экология”, “қишлоқ хўжалик экологияси”, “ҳарбий экология”, “психоэкология”, “ижтимоий экология”, “одам экологияси” каби йўналишлардан иборат [24] бўлиб, тадқиқот усулларига - табиатни кузатиш, тажрибалар ўтказиш, моделлар яратиш, инсониятни атроф билан муносабатларидаги боғлиқликларни баҳолаш; мақсади - селекция, генетика фанлари ютуқларига таяниб навлар ва зотларни яратиш билан тирик мавжудотларни янги турлари ва сифатларини яхшилашга қаратилган. Ҳозирги кунда экологияни қуйидаги тармоқлари: - Табиий; биоэкология, тиббий экология, зооэкология, фитоэкология: - Ижтимоий; ижтимоий экология, инсон экологияси, рекреацион экология: Иктисодий; амалий экология, саноат экологияси, табиий ресурслар экологияси, агроэкология: - Умумий экология; умумий экология, ҳудудий экология, фазовий экология, глобал экология, маҳаллий экология йўналишларида соҳани муаммоларини ҳал қилишда Давлат тизимида чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Экологик омилларнинг тирик организмга таъсири қуйидаги ҳолатларда; - айрим турларни

маълум ҳудуддан сиқиб чиқаради ва уларнинг жўғрофик жиҳатдан табиий тарқалишининг ўзгаришига олиб келади; - ҳар хил турларнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатиб, уларнинг қўпайиши ва нобуд бўлишини ўзгартиради, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, популяцияга ва биоценозга таъсир қилади; - организмнинг ўша муҳитига мослашиб, яшаш жараёнларининг хусусиятларини издан чиқаради.

Антропоген – антропос – одам, инсон “Ҳомо сапиенс” биологик турга мансуб, ер юзида кенг тарқалган. Ушбу омилларга: Инсоннинг табиатга биотиклар мажмуасининг таркибий қисми сифатида таъсир қилиши: - Инсон ақл-заковатга эга ва айни ҳолат унинг табиатга таъсири, ўзига хос хусусият касб этиши билан устунлигида ифодаланиши; - Инсон сунъий объектлар: биолар, сув омборлари, саноат корхоналари, транспорт воситалари, сув каналлари, гидроиншоотлар ва бошқаларни яратади ва уларнинг турли ишлаб чиқариш жараёнларида иштироки табиатни ўзгаришга олиб келади.

Гигиена фани – тарихий шахс Хигея исмли қиз “ўз соғлигинг ўз қўлингда” шиори асосида соғлиқни асрашга даъват этган “Хигея-гигиена” ва асос солинган. Одатда “Гигиена” атамаси билан бир қаторда санитария - лотинча – sanitas сўзи яъни саломатлик маъносида қўлланилади. Ҳозирги кунда гигиена фани - атроф-муҳитнинг кишилар, қолаверса инсонларнинг соғлиғига, уларнинг меҳнат қobiliятларига таъсирини ўрганиб келмоқда. Инсон организми учун “меъёрий шароит”нинг; муҳит, намлик, ҳаракатдаги ўзгариш, ҳаводаги заҳарли газ, чанг, узоқ вақт жисмоний меҳнат, зўриқиш ва бошқалар, умуман организм физиологик жараёнларини издан чиқаришига сабабчи омилларни ўрганади. Профилактик гигиена - инсонларда учрайдиган касалликларнинг олдини олишга, шунингдек, инсоннинг ташқи ва ички муҳит омилларига чидамлилиги ҳамда иш қobiliятини оширишга, муддатидан илгари қариш жараёнларини олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади. Атроф-муҳит объектларини ва инсон организми саломатлигини ўрганишда; биринчидан - атроф-муҳитнинг экогигиеник ҳолатини; иккинчидан - ифлосланган ташқи муҳит объектлари таъсирида организмда пай-

до бўладиган реакцияларни, яъни патологик ҳолатларни ўрганилади.

Санитария текширишлари ёки абиотик омилларнинг санитария ҳолатини баҳолашда комплекс услублар: физик, кимёвий, бактериологик, радиологик, ижтимоий, токсикологик, клиник, физиологик, биокимёвий, санитар-статистик, математик-статистик текшириш услубларидан фойдаланилади: - Кимёвий услубда - атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, озиқ овқатлар кимёвий таҳлили: - Бактериологик текшириш услублари ёрдамида лаборатория шароитида ҳавони, сувни, тупроқни, озиқ-овқатларни ва бошқа объектларни улар таркибидаги юқумли касалликлар қўзғатувчи микроорганизмлар: - Токсикологик услубда турли хил кимёвий моддаларни организмга заҳарлилик таъсир даражаси ўрганилади ҳамда тажриба услублари асосида ҳайвонларда рухсат этиладиган меъёр (РЭМ) аниқланиб, улар ёрдамида заҳарли моддаларни сувда, ҳавода ва озиқ-овқатларда РЭМ ишлаб чиқилади ва улар меъёрлар амалиётда асосий кўрсаткичлари таъминлашни: - Гигиена тажрибаларида атроф-муҳит омилларининг инсон организмга ёки ҳайвонларга таъсир этиши табиий ёки тажриба усуллари қўлланилиб ўрганилади ва бошқалар.

Тарихдан бизга маълумки, Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари"да "агар ҳавода чанг ва бошқа губорлар бўлмаганида эди, инсон умри анчага чўзилган бўлар эди", деб таъкидласа, "Уржуза" китобида меъёрли уйқу ва овқатланиш, серҳаракат бўлишлик, соғлом турмуш тарзини тўғри шакллантириш бора-сида кўплаб илмий-амалий фикрларни ёритиб берган. Исмоил Журжоний – (XI-XII аср) экогигиена фанининг ўрганиш объектлари ҳисобланиб инсон ва атроф-муҳит деб эътироф этган ва "Хоразмшоҳ хазинаси" китобида "Кимки Хоразм воҳасининг ҳавосидан нафас олса, ундаги доривор ўсимликлардан, мева ва резавор кўкатлардан истеъмол қилса, унинг соғлиги мустаҳкам бўлишини" таъкидлаган. XX асрда Муҳаммад-али Омоли ва Ҳизр-ибн ал Ойдонийлар атмосфера ҳавосининг физик хусусиятларига ва уларнинг одам организми, соғлиғига таъсирини ўрганишган ва бу соҳа ҳозирги кунда экзоекология ва эндоэкология фани деб юритилади.

X-XI асрда Аҳмад ибн Юсуф, Убайдулла Каҳҳоли, XII асрда Хонзод Хон, III-IX асрда эко-

гигиенага тегишла мутахассислар Талайхонота худудида (Туркменистон), Йигитқалъа, (Ўзбекистон) худудларидаги сув ўтказгич иншоотларини гигиеник ҳолати билан шуғулланганликларини тасдиқловчи қазилмалар мавжуд. Ҳозирги кунда Республикамизда А.З.Зоҳидов (1970 й.), Қ.С.Зоиров (1975 й.), С.Н.Бобожонов (1980 й.), Ш.Т.Отабоев (1980-2000 йй.), Т.Искандаров (1990-2010 йй.), Н.С.Тожибоева (1975-1990 йй), Р.У.Убайдуллаев (1995-2005 йй.), И.Ильинский (1990-2010 йй) каби инсонлар гигиена фани тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Кейинги йилларда урбанизация - катта саноат корхоналари, шаҳарлар, автотранспорт воситалари кўпайиши Ер қуррасининг кўплаб мамлакатлари қаторида Ўзбекистонда ҳам кузатилмоқда. Бу ҳолат атроф-муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазасида аҳамиятли муаммоларни; жумладан, автотранспорт воситалари атмосферани умумий зарарлаши даражаси 67% га Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона каби саноати ривожланган шаҳарларга тўғри келиши, йилдан-йилга атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар 2296,6 минг тонна (1999 й.), 1 млн 957,4 тоннага (2004 й.), 2,5 млн тонна (2012 й.) ортиб боришини санаб ўтишимиз зарур. Айни вақтда, ЖССТ экспертлари "тиббий хизмат инсон саломатлигининг атиги 8-10%ни таъминлашини, қолган 20% соғлигимиз ирсий омилларга яна 20%и атроф-муҳитга ва 50-52% соғлом турмуш тарзи"га боғлиқ эканлигини таъкидлашган [17, 26].


Маълумки, тирик организмнинг физиологик ва патофизиологик ўзгариш ва зўриқишлари даражасига қараб оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати (ОБШҚ) ва тўқималарида илк ўзгаришларни беради [1, 2, 15, 22]. Айни стоматолог, меда-ичак тракти, диетолог, гепатолог, инфекционист, умумий терапевт ва бошқа қатор тиббиёт мутахассислари касаллик ташхисини қўйишда кенг фойдаланишади. ОБШҚга таъсир этувчи омилларнинг тури кўп, жумладан, ҳавонинг кимёвий таркиби, чанги, ҳаво ҳарорати, намлиги комплекс таъсир кўрсатиб, уларни қитиқлайди ва яллиғланишларни чақиради. Шу сабабли ҳам Ўзбекистоннинг бир қатор олимлари; гигиенист, эколог олим, академик Ш.Т.Отабоев раҳбарлигида 1980 йиллардан бошлаб экогигиеник ҳолатнинг

инсон танасига айниқса, оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималари ҳамда юз-жағ тизими (ЮЖТ) таъсири муаммоларини ҳал қилиш мақсадида қатор тадқиқотлар (М.В.Бекметов (1983 й), Д.Абдазимов (1991 й), У.Ж. Жуматов (1996 й), С.А.Гаффоров (1999 ва 2004 йй.), кейинчалик Г.Э.Идиев (2006 й.), С.Ш.Олимов (2007 й.), А.А. Саидов (2009 й.), Ф.И.Ибрагимова (2017 й.) олиб бордилар. Бу илмий ишларни бир неча фанлараро услубиятларга таянган, интеграллашган комплекс усуллар асосида ОБ тўқима ва аъзолари, улага атроф муҳит ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги эндо ва экзо экологик омиллар таъсири, улар оқибатидаги адаптив ва патологик ўзгаришлар илмий-амалий, клиник-лаборатор ва лаборатор-тажрибалар ёрдамида асосланган, натижалар таҳлиliga асосланиб профилактика, даволаш ва реабилитация чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалий тиббиётда, ижтимоий турмушда ва қатор


қонуний ҳужжатлар қабул қилинишида кенг фойдаланилган.

Стоматолог мутахассисларнинг ишлаб чиқариш корхоналаридаги эндо ва экзо экологик муҳитда организмда рўй берадиган моддалар алмашинуви жараёнида салбий ўзгаришларнинг ОБ тўқима ва аъзоларига намаён бўлишини илмий асослари, айниқса организмда кальций-фосфор, марганец, калий, натрий ва бошқа инсон учун зарур бўлган макро-микроэлементлар, витаминлар миқдорини, балансини бузилишидаги аҳамияти аниқланиши, оғиз бўшлиғи ва юз-жағ соҳасидаги қатор биосубстратлар таркибидаги макро-микроэлементларнинг миқдори атроф муҳитни турли унсурлар билан ифлосланиши даражасини индикаторлари сифатида баҳолашни муҳим илмий янгиликлар қаторида санаб ўтишимиз мумкин [3, 7, 14, 22].


Текширилганларда функционал кўрсаткичлар




Тиш эмалининг электр сезувчанлиги (мкА)



Таъм сезиш даражаси, (%)







Тиш эмали микроқаттиқлиги (мг/кг)





Эмал резистентлик тести (%)


Текширилганларда функционал кўрсаткичлар (макро и микроэлементлар)



Текширилганларда функционал кўрсаткичлар




Тиш эмалининг электр сезувчанлиги (мкА).



Тиш эмали микроқаттиқлиги (мг/кг).

Таъм сезиш даражаси (%).



Эмал резистентлик тести (%).

Республика аҳолиси орасида стоматологик касалликлар ва асоратларининг кузатилиши тўғрисидаги маълумот (%).

1	Кариес касаллигининг тарқалганлиги	88-91%
2	Тиш қаттиқ тўқимасини кариессиз жароҳатлари	27-30%
3	Пародонт касалликлари	78-80%
4	Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари	27-30%
5	Ортопедик муҳтожлик	58-60%
6	Чакка-пастки жағ бўғини дисфункцияси	33-37%
7	Болалардаги мурраккаб конструкцияли ортодонтик аппаратга муҳтожлик	25-30%
Ўзбекистон аҳолисининг ёш қатламлари орасида ва қатор зарарли саноат корхоналари ишчилари орасида стоматологик касалликлар ва асоратларининг кузатилиши (%)		
1	Кариес тарқалганлиги: 4-7 ёш-93%, 8-12 ёш-86%, 13-18 ёш-74%, 19-40 ёш 70%, 41-60 ёш-55%, 61 ёшдан юқори-22%. Саноат корхоналарида 94% гача.	
2	Тиш қаттиқ тўқимасини кариессиз жароҳатлари саноат корхоналари ишчиларида 33-36%	
3	Пародонт касалликлари: 19-40 ёш- 60%, 41-60 ёш- 70%, 61 ёшдан юқори-85%.	
4	ОБШК касал-и: 0-7 ёшгача- 22%, усмирларда 12%, катталарда 38%, саноат корхоналарида 42%.	
5	Юз-жағ соҳаси туғма нуксонлар билан туғилган болалар 1000та туғилган болаларга-1.1% тўғри келмоқда (лаб ва танглай камтиклари, атипик кемтиклар)	
6	Орттирилган деформациялар ва нуксонлар сони болаларда-2%, катталарда-6%.	
7	Сан.экологик зона аҳолисида мурраккаб конструкцияли ортоаппаратга муҳтожлик 33%	

Фарғона кимёвий фуран бирикмалари заводида (ФКФБЗ) 1996-97 йилларда ҳавода сульфат кислота миқдори РЭМ дан 15% ошган бўлса, метанол – 6%, фурфурол – 8,5% ошган; 1998 йилга фурфол - 4,5% намунада сульфат кислота бўйича, - 1% намунада метанол бўйича, - 2% силиций икки оксид, шунингдек ацетон, фармальдегид, фенол ва фурил спирт ҳаво намуналарида РЭМдан кўп бўлган. Кимёвий унсурларнинг экологик ҳимоя зонасида ҳам кузатиш мумкин [1, 2, 9, 22].

Кимёвий синтетик тола ва ип-газлама ишлаб чиқариш корхоналари охириги ўн йилликда анча илгарилаб кетди; жумладан, Республикада кимёвий синтетик тола ва ип чиқариш 1997 йилда 7,3 минг т., 2007 йилга келиб бу миқдор 16,2 минг т.га, 2017 йилда 26,8 минг т.га етди. Фарғона кимёвий синтетик толалар

(ФКТЗ) цехлари ҳавосида; 1-цехда 1999 йилда ацетон - 347,1 мг/м³ аниқланган, 2001 йили бу кўрсаткични - 297,4 мг/м³, ҳаво намунаси таркибида РЭМ дан зарарли модда – 23% кўплиги (1997 й.), 2001 йилга келиб, РЭМ га кўра 10% ортиқ фарқ кузатилган. Шунингдек цехларда чанг миқдори -16,9 мг/м³, сульфат кислотаси аэрозоли 1,1 мг/м³, меъёрдан ошган ҳаво намуналарини 6,3% стандарт бўлмаган намуна, 3-цехда стандарт бўлмаган намунада сульфат кислота 2,3% ташкил этди (2, 9, 18).


Ўзбекистонда нефть ва газ хомашёлари ни ишлаб чиқариш йиллар давомида ҳажми ортиб - 1997 йили 128,6%, 2007 йили 141,8% 2017 йилда 200%га ўсган. Йирик корхоналар Фарғона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари (БНКИЗ ва ФНКИЗ) бензин, керосин, дизель мойи ва ёқилғиси, мазут, ёғлар, гудрон,

битум каби 60 дан ортик нефт маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Фақатгина ФНКИЗ цехлари ва ҳудуди стандарт бўлмаган ҳаво намуналарида 2000-2007 йилларда бензол – 40%, 21%, 75%, 44%, 48%, 38%, 42% мослиқда, толуол – 20%, 15%, 25%, 14%, 22%, 33%, 28% ошганлиги кўриш мумкин, жумладан 1-цехда 2000 йилда РЭМ га нисбатан 13 баробар олтингургурт, 2-цехда – 12 баробар бензол, 5-цехда – 4 баробар, 1-цехда – 1,8 баробар бензин ортик


топилган [3, 8, 11, 14, 15, 25].

БНҚИЗ ҳудуди ва цехларида ишчилар нафас оладиган ҳавода олтингургурт миқдори 0-4,5 мг/м³ (РЭМ 10 мг/м³), азот икки оксид 0-3,2; 0,1-1,6 мг/м³ (РЭМ 5-2 мг/м³); углерод оксиди – 0,9-6,2 мг/м³ (РЭМ 20 мг/м³), сульфид ангидридини миқдори ҳавода – 3 мг/м³, (РЭМ – 20 мг/м³), карбонсувлар – 200 мг/м³ эканлиги аниқланди, РЭМ эса 300 мг/м³ [17, 24].


Тажрибада корхона иш ўринлари ва санитар-ҳимоя ҳудуди ҳавосида формальдегид, фенол, ацетон, сульфат кислота, толуол, олтингургурт ва бошқа қатор бирикмалар РЭМдан кўп бўлганда организмда моддалар алмашинуви бузилиши, ишчиларда касалликлар сони назорат гуруҳга нисбатан кўп бўлишини тасдиқлайди.



РЭМ юқори даражасида захарлангандаги милк шиллиқ қаватида деструктив-яллиғланиш.



РЭМ юқори даражасида захарлангандаги лунж шиллиқ қаватидаги дистрофик жараён.



РЭМ юқори даражасида захарлангандаги жигар портал тракт томирлари қон билан тўлишиши, деворлари қалинлашиши, строма инфильтрацияси.

Клиник-тажрибалар асосида зарарли омилларнинг инсон танасига салбий таъсир этадиган асосий хужайра нукталари.


- лимфоцитлар
- дендрит хужайралар (Лангенгарс эпителийси, лимфа тугунлари)
- миянинг микроглиал хужайралари

- таббӣй киллер хужайралар
- қоннинг ўзак хужайралари
- қоннинг эндотелиал хужайралари
- меъда-ичак трактининг эпителиал хужайралари


Саноат корхоналарида эндоэкологик омиллар таъсирида ишчиларни ишга лаёқатсизлик ҳолатлари ўрганилганида рўйхатга олинган 29 та касалликлар ичида нафас олиш аъзолари хасталиклари, яъни, ўткир ларингит, ангина, пневмония, грипп ва бошқалар 39,6%, суяк-мушак тизими касалликлари 8,1%, буйрак ва сийдик аъзолари хасталиклари 5,1%, меъда-ичак тизими ва жигар касалликлари 7,2%га ва бошқа хасталик турлари 5,5% гача кўпайиши кузатилган. Аёллар орасида ҳар 100 ишчига 2,5-3,2%, касаллик оқибатида ишга яроқсизлик кунлари йилига 53,6-59,1 кунни ташкил қилди. Ишчилар орасида ишга яроқсиз кунлар ортиши ичак инфекциясида - 47 кун, юракни

ишемиясида - 27,8 кун, пневмонияда – 22,5 кун, асаб касалликларида – 20,5 кун, ҳомила асоратида – 20,4 иш кунлари йўқотилган.


Фарғона фуран бирикмалари ишлаб чиқариш заводи (ФКФБЗ) 1997-2006 йилларда завод ишчилари умумий касалликлар сони ҳар 100 ишчига ва уларнинг меҳнатга лаёқатсизлик ҳолати (МЛХ) кунлари 1997 йилда 12308 кун бўлган бўлса, 2001 йилда – 14565; 2007 йилда 14,867 кун қайд этилган. Касалликлар орасида асосан асаб ва периферик асаб тизими, қулоқ, буйрак-сийдик йўли касалликлари, қон-томир, меъда яраси, гастрит касалликлари асосий ҳажми ташкил этган [1, 2, 9, 22, 24].




ФКФБЗ хавосининг кимёвий моддалар билан ифлосланиш кўрсаткичлари (м3)



ФКТЗ хавосининг кимёвий моддалар билан ифлосланиш кўрсаткичлари (м3)



ФКФБЗ санитар-ҳимоя ҳудуди атмосфера ҳавосидаги аниқланган моддалар миқдори (м3)



Корхоналарда кимёвий бирикмаларни РЭМ дан ортишини ўртача кўрсаткичи (ФНКИЗ).

Муаллиф томонидан Муборак газ конденсатини қайта ишлаш заводи (МГККИЗ) ишчилари танасига асосий таъсир этувчи омиллар эндоэкологик, физик ва кимёвий омиллар замирида ҳатто биологик таъсирлар, жумладан шовқин меъёрдан 10 дБ ортиқлиги, цехларда ҳаво намуналарини кимёвий моддалар билан ифлосланиши

26-30%, ҳаво ҳарорати цехда 40-46° С, қиш кунлари 25-28°С гача тушиши (ёзга нисбатан) ҳолатларини санаб ўтиш мумкин.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналаридаги (МУИЧК) ишчилар саломатлиги ва меҳнат шароитидаги экогигиеник ҳолатларини республикада қатор олимлар томонидан Қўқонда, Самарқанда суперфосфат заводларнинг цехлари ҳавосида чанг, фторли бирикмалар, сульфат кислотаси буглари, сульфид, сульфат ангидридлари, аммиак деярли барча ҳолатда РЭМдан 10-25 баробар ортиқ эканлиги тасдиқланди, айнан водород фториди кишиларнинг иш жойлари ҳавосида 9,5-

Ўзбекистон саноат корхоналари ишчиларида умумий касалликлар натижасида меҳнатга лаёқатсизлик кунлари (ўртача йиллик кўрсаткич)

Корхоналар.	“Навои азот” ИЧБ (Идиев Ф.Э., 2003)	ФНҚИЗ (Ғаффоров С.А., 2005)	ФКТЗ (Ғаффоров С.А., 2005)	ФКФБЗ (Ғаффоров С.А., 2005)	Цемент и/чиқ. (Шамсиддинова Ф.Т., 2007)	МГҚИЗ (Олимов С.Ш., 2008)	БИГИЧБ (Саидов А.А., 2012)
Касалликлар нозологияси							
Нафас аъзолари	45.7	13.4	54.8	46.2	57.8	51.3	59.2
Суяк-мушак тизими	20.3	16.5	13.4	18.4	12.5	17.6	19.3
Овқат ҳазм қилиш тизими	40.9	31.6	35.3	37.1	40.6	38.8	42.7
Буйрак ва сийдик ажратиш тизими	17.1	20.9	17.6	19.3	17.4	20.1	20.2
Ҳомиладорлик ва кейинги асоратлар	18.3	18.3	23.1	20.2	18.2	17.6	25.4
Ишлаб чиқариш-даги жароҳатлар	30.6	31.6	64.4	50.9	57.6	52.3	40.2
Бошқа касалликлари	31.4	21.9	21.0	22.6	18.3	24.5	30.9

Саноат корхоналари ишчилари орасида кузатилаётган касалликларни узига хослиги



Бемор Х.С., 33 ёш. Эмалнинг кимёвий некрози ва патологик едирилиш асоратидаги чайнов юзасидаги деформацион ҳолат.



Бемор Р.Д., 37 ёш. Сурункали тарқалган пародонтит ва тиш тошлари, милк шиллиқ қаватидаги қон айланиши бузилиши.



Лаб қизил хошиясидаги ёрилиш, тил ён деврларидаги емирилиши ва бурмасимон тил олд соҳасидаги катарал яллигланиш белгилари



Текстил комбинат Бемор Ю.Я. 19 ёш. Катарал гингивит.

Цемент ва нефтни кайта ишлаш заводи: С.К ва Ю.Х Нокариес касалликлар: кимёвий некроз.

11,4 мг/м³ эканлиги аниқланди. Олмалиқ кимё заводининг цехлари ҳавоси намуналарида водород фториди 0,9-19,0 мг/м³ (РЭМ 0,5 мг/м³), сульфат кислота – 3,0 дан 144,0 мг/м³ (РЭМ да 1мг/м³) аниқланди. Кўриниб турибдики бу зарarli эндозкологик кимёвий омил РЭМ дан 3 мартадан 144 мартагача ортиқ; аммиак эса РЭМ (20мг/м³) дан 16,0 дан 188,5 мг/м³, гача ошган. Чирчиқ ва Навоий азот минерал ўғити корхонасида - аммиак, азот оксидлари, аммиак селитра чангининг ҳаводаги миқдорлари РЭМ дан 2,0-2,2 маротаба кўплиги таъкидланган.

Тўқимачилик саноати ишчилари ҳам ноқулай меҳнат шароитида; жумладан ҳаводаги

микроиқлим - титиш цехида 29,08+2,2°С, йиғириш цехида 29,5+2,0°С га тенг, нисбий намлик йиғириш цехида ўртача ойлик 65,2+1,5, ленталаш цехида 63,9+4,5 ташкил қилиши, пахта толаларининг чанглари цех ҳаво намуналарида титиш цехида 3,34 мг/м³ дан 6,33мг/м³ гача, пахтани навларга ажратиш ва угар цехида 5 мг/м³ , навларга ажратиш цехи ҳавосини чанглари спорали микроорганизмлар тўплами сони -18800 га, титиш цехи ҳавоси чангида –12600 тўплам, йиғириш цехи чангида 1545 тўплам бир м³ ҳавода аниқланиши, шовқин кучи даражаси 89,7 дан 91,25 дБ, яъни, меъёрдан юқорилиги кузатилиши тасдиқланган.

МГККИЗ ишчиларда кариес 88,02%, назорат

гуруҳда (Н/Г) 80,6%, иш муддати ортиши билан, масалан, 11-15 йил иш муддатида кариес -95,13% гача ортиши, кариессиз жароҳатлар 30,2% (Н/Гда 10%), жумладан кимёвий некроз 8,63%, патологик едирилиш - 11,8%, механик жароҳатлар - 9,2% кузатилиши, ишлаб чиқариш жараёнидаги омилларнинг билвосита салбий таъсирининг оқибатидадир. (6, 17, 24).

“Навоий Азот” заводи ишчилари ўртасида кузатилган тишларнинг кариес ҳолати “Органика” заводида 90,6%, “Нитрон” заводида 91,8%, “Аммиак” заводида 86,9%, Н/Г - 83,09% ташкил этган. Тиш қаттиқ тўқимаси кариессиз жароҳатлари, “Органика” заводида 22,6%, “Нитрон” заводида 20% ва “Аммиак” заводида 18,9% ни ташкил этган [10, 20, 23, 24].

Ишчилар орасида ОБШҚ да аниқланган патологик ҳолатларнинг 47,8% бўйш-пардозлаш цехига, 33,1% йигириш цехига, 15,6% тараш цехига ва 3,5% Н/Г тўғри келган ва лаб ёрилиши -7,5%, хейлит - 8%, лейкоплексия - 6,2%, тил касалликлари - 6,6% кузатилгани таъкидланди [4, 13, 16, 17, 18, 19, 21].

Трансчегаравий ифлосланиш ҳақида фикр юритилганда Тожикистондаги Турсунзода алюминий ишлаб чиқариш заводи чиқиндилари атроф-муҳитни экзоекологик кимёвий моддалар билан ифлосланишини мисол қилишимиз мумкин; заводдан ҳар йили ҳавога 40 минг тоннагача заҳарли моддалар, жумладан, 300-400 тонна энг зарарли ҳисобланган водород фториди чиқариб ташланади, натижада Ўзбекистоннинг Сариев, Денов, Узун туманида ёз ойларида ҳавода водород фториди РЭМ 6-8 баробар кўп миқдорда ҳавосига ташланиши оқибатида физик қонуниятлар асосида фтор аэрозоллари ҳаводан ерга чўкиб, жонли ва жонсиз табиат омилларининг ҳаммасини заҳарлаб келмоқда.

Қирғизистоннинг Хайдаркон, Чаувои, Қадамжой ҳудудларидаги сурма ва симоб ишлаб чиқариш корхоналари ҳам атмосфера ҳавосини, жумладан Исфайрам, Сўх, Шохимардонсой сув ҳавзаларини, Фарғона водийсининг 300 км.ли жанубий ҳудудлари ўсимлик ва ҳайвот дунёсини заҳарлаб келмоқда.

Натижалар: Сариев атмосфера ҳавосини фтор бирикмалари билан ифлосланиши заводдан 10-12 км. масофада тупроқда РЭМ дан

27 баробар, озиқ-овқатларда - 3-23 баробар, биологик субстратларда - (соч, она сути,

боланинг йўлдоши, сигир сути, товуқ гўшти, тухум) ва бошқаларда - 1,5-8 мартагача фтор моддаси назоратдаги туманга нисбатан кўп топилган. Болалар ўртасида Н/Г га нисбатан пародонт тўқимаси касалликлари 1,2-1,5 баробар, ОБШҚ касалликлари 1,8-5,9 баробар кўп учраб, милк қон-томир капиллярлари чидамлилиги 1,6-2 баробар пасайгани кузатилди.

Маржонсой сувида симоб миқдори 1,75-8,5мкг/л. га етади, сув чўкмасида 0,9-8 мкг/л. гача эриган симоб эса сувда 1,4-4,4мкг/л. миқдорда; Исфайрам, Сўх, Шохимардонсойнинг ўзанидан лойли чўкма намуналари таркибида симоб - 303-457 мг/кг. гача, шу минтақанинг сувлари чўкмаларида эса 0,29-2,0мг/кг. аниқланган. Шунингдек, маълумотлар мева-ли ўсимликлар баргида, меvasи ва шохларида симобнинг энг кўп аниқланган жойи Чимён, Қадамжой ва Хайдаркон шаҳарчаларининг биогеохимик ҳудудларида кузатилиб, дарахт баргида 15, шохларида 50-100 баробар кўп симоб йиғилиши аниқланган. Сабзавот ўсимликлари; картошка, сабзи, помидор таркибига симоб сезиларли салбий таъсир этган, жумладан пиёз баргларида - 0,527, сабзи баргида - 0,756, картошка барг ва шохчаларида 0,825, помидорда - 0,638 мг/кг кузатилган [24].

Экологик маданият, тарбия, экологик тафаккур, экологик одоб-ахлоқ жамият тараққиётининг асосий негизи; экологик онг - инсониятнинг ижтимоий-тарихида атроф-муҳит муҳофазасига онгли муносабат, ҳар қандай салбий табиий муҳитларни имкон қадар инсон манфаатига ва аксинча, табиат манфаатларига инсон таъсирининг инъикосидир.

Маданият атамасига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да куйидагича таърифлар келтирилган: - Жамиятнинг ёки алоҳида кишининг ишлаб чиқаришда, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари йиғиндиси; халқларнинг маълум бир даврда қўлга киритган ижобий ютуқлари даражаси; бирор хўжалик ёки ақлий меҳнат соҳасининг ривожланганлик даражаси; ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёилик, маърифатлилиқ, одоблилиқ; турмушнинг маърифатли кишиси эҳтиёжлари учун керак бўлган шароитлар йиғиндиси ва - маданиятли инсон - маориф ва маърифатга эришган маданий қарашларга хослик тушунилади.

Экологик таълим-тарбияни энг асосий ва-

зифалари - экология ва гигиена қамровидаги тушинчаларни тарғибот қилиш орқали маърифатни ривожлантиришдир. Бу борада жамиятимиз, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодимиз учун экологик таълимда қуйидаги асосий вазифаларга аҳамиятли бўлишимиз зарур:

- "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида экологик таълим мазмунини танлаш ва уни ўқитиш усуллари ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларни умумбашарий ва умуминтақавий экологик муаммолар билан таништириш ва амалий фаолиятни такомиллаштириш;

- ўқув дастурлари ва дарсликлар мазмунини давлат таълим стандартлари асосида мувофиқлаштириш;

- ўтмиш авлодларнинг табиат ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш учун яратилган меърослардан, миллий анъаналардан самарали фойдаланиш;

- умумий экологик қадриятлардан таълим-тарбия жараёнларида, айниқса мактабгача тарбия ва мактабларда, олий ва ўрта махсус билим муассасаларида экологик маданият таълимини йўлга қўйиш;


- атроф-муҳитдаги ҳодисалар, уларнинг турғунлиги, табиат компонентлари боғлиқлиги ва яхлитлиги тўғрисида, фанлараро ҳамкорликни, экогигиенанинг интеграциялашуви дастур ва дарсликларини яратиш ҳамда узлуксиз экогигиеник таълимни йўлга қўйиш зарур. Албатта, бу вазифалар ечими учун; ўқитувчиларнинг ахлоқий, маданий, эстетик экологик дунёқарашларини шакллантириш, инсонни табиий муҳитда кечаётган жараёнларга аралашувини чегаралаш, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни шакллантириш, турар жойларни кўкаламзорлаштириш, қўриқхоналарни кўпайтириш, табиий хилма-хилликни асраш каби муаммоларни ечимини Ер курси мамлакатлари, нодавлат ташкилотлари, ирқи ва миллатидан қатъий назар инсоният онгига киритиб боришимиз зарур.

Маърифатпарвар юртдошимиз Абдулла Авлоний "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидир" деб таъкидлаган. Ҳозирги кунда "Табиат ва инсон ҳаётининг экологик хавф остида қолиш жараёни янада мураккаблашиб, мушкуллашиб, атроф-муҳит билан жамият ўртасидаги

мувозанат бузилиши кузатилмоқда, бунинг сабаби, инсоният атроф-муҳит муҳофазасини эътиборсиз қолдириши ва келажак ҳолатни билмасликлари оқибатидир".

Тадқиқот натижалари таҳлили. XXI аср, икки муҳим воқея; - глобал экологик муаммолар; - дунё мамлакатларида саноатнинг янги соҳаларининг жадал ривожланишига дуч келди. "Йоханнесбург-2002" глобал форумини чақирилиши, Дунё мамлакатлари "XXI аср тараққиёт дастури"нинг қабул қилиниши, жумладан Республикамизда "Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни гигиенаси бўйича миллий ҳаракат дастури" (1995 йил), "Биологик ранг-барангликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракат режаси" (1998 йил), "Қурғоқчилик ва чўлга айланишга қарши кураш бўйича миллий ҳаракат дастури" (1999 йил), "Атроф-муҳитнинг муҳофазаси ва табиий захиралардан оқилона фойдаланиш бўйича 1999-2005 йилларгача мўлжалланган миллий ҳаракат дастури" (1999 йил), "Кишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида" (2003 йил), "2003-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-табиий муҳитни мониторинги дастури" (2003 йил), "2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастурини амалга ошириш тадбирлари" (2006 йил), "Республикамизда табиатни муҳофаза қилиш ва саноат чиқиндиларини зарарсизлантириш" (2022 йил) дастурлари аҳамиятлидир [24].

Тадқиқотлар натижаларининг илмий-амалий таҳлили асосида, инсоннинг саломатлигини экологик ноқулай таъсирларидан асраш, келажак авлодни баркамол, экологик маданият ва маънавиятга эга бўлган инсонларни тарбиялаш, экологик таълимнинг узлуксизлигини таъминлашга самарали эришишимиз учун қонунчилигимиз, олиб бораётган ички ва Халқаро сиёсий-ижтимоий, моддий ва маънавий, тарихий миллийлигимиз пойдеворлари доирасида муаммоларни ҳал этишда шахсан ҳар-бир инсоннинг фаоллигини таъминлаш орқали олдимизга қўйилган қўйидаги вазифаларни тўғри деб биламиз:



ХУЛОСАЛАР

Илмий тадқиқотлар натижалари, экологик, санитар-гигиеник, умумий тиббий, стоматологик, клиник-лаборатор, физикавий, кимёвий, биологик, микробиологик, иммунологик, морфологик ва жонзотларда олиб борилган тажриба натижаларининг мукамал таҳлили асосида тавсия қилинган юқоридаги кетма-кетликдаги тизим, яъни соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун, ҳар-бир шахс ўзи учун саломатлик стратегиясини яратиши шарт. Бунинг учу албатта, тўғри маълумлар базаси бизнинг онгимизда бўлиши ва шаклланиши, сўнг илҳомланишимиз (мотивация), билимимизни тўғри шакллантиришимиз ва ўзлаштиришимиз, ўзимизни юриш-туришимиз, турмуш тарзимизни ўзгартирибгина шахсий соғлом турмуш тарзимизни шакллантира оламиз. Бунинг учун инсон онгида, айниқса бизнинг урф-одатларимиз ва бир-неча ўнлаб асрларга тенг қадимий тарихимизнинг диний ўғитлари, миллий-маданиятимизга таянган руҳиятимиз, кунлик турмуш тарзимиздаги яшашимиз учун зарур табиат инъомларининг софлиги ҳамда мусаффо ҳавода танамизнинг жисмоний бутунлигини таъминлашимиз орқали эришишимиз мумкин. Биз тиббиёт мутахассисларининг ўрни албатта эҳтиёж асосида шаклланади. Бироқ, юқоридаги фикрларимизнинг тарғиботи учун тиббиёт ходимларининг ўрни беқиёсдир. Ер курраси халқлари, давлат ва нодавлат жамиятлари, тизимлари учун ҳам табиатнинг қонунларини шу тарзда қабул қилиш лозим.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ

Муаллифлар ушбу тадқиқот иши, унинг мавзуси, предмети ва мазмуни рақобатдош манфаатларга таъсир қилмаслигини маълум қилади.

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ

Муаллифлар тадқиқот олиб бориш давомида молиялаштириш мавжуд бўлмаганлигини маълум қиладилар.

МАЪЛУМОТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ОЧИҚЛИГИ

Ушбу тадқиқот давомида олинган ёки таҳлил қилинган барча маълумотлар ушбу нашр этилган мақолага киритилган.

МУАЛЛИФЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТДАГИ ҲИССАЛАРИ

Барча муаллифлар тадқиқотни тайёрлаш ва унинг натижаларини шарҳлаш, шунингдек, нашрга тайёрлаш ҳисса қўшган. Барча муаллифлар қўлёзманинг якуний версиясини ўқиб чиқишган ва тасдиқлашган.

ЭТИК ЖИҲАТДАН МАЪҚУЛЛАШ ВА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН РОЗИЛИК

Ҳайвонларни парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича барча халқаро, миллий ва/ёки институционал кўрсатмаларга риоя қилинган.

НАШР ҚИЛИШГА РОЗИЛИК

Қўлланилмайди.

НАШРИЁТНИНГ ЭСЛАТМАСИ

"Интегратив стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги" журнали чоп этилган хариталар ва институционал мансублик кўрсаткичлари бўйича юрисдикция даъволарига нисбатан нейтрал бўлиб қолади.

Мақола келиб тушган сана: 27.12.2022 й.

Нашрга қабул қилинган сана: 05.01.2023 й.

CONFLICT OF INTERESTS

The authors declare the absence of obvious and potential conflicts of interest related to the publication of this article.

SOURCES OF FUNDING

The authors state that there is no external funding for the study.

AVAILABILITY OF DATA AND MATERIALS

All data generated or analysed during this study are included in this published article.

AUTHORS' CONTRIBUTIONS

All authors contributed to the design and interpretation of the study and to further drafts. All authors read and approved the final manuscript.

ETHICS APPROVAL AND CONSENT TO PARTICIPATE

All applicable international, national, and/or institutional guidelines for the care and use of animals were followed.

CONSENT FOR PUBLICATION

Not applicable.

PUBLISHER'S NOTE

Journal of "Integrative dentistry and maxillofacial surgery" remains neutral with regard to jurisdictional claims in published maps and institutional affiliations.

Article received on 27.12.2022

Accepted for publication on 05.01.2023

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ / REFERENCES

1. Влияние смеси фурфурола, формальдегида и ацетона на состояние слизистой оболочки полости рта и печени/ С.А. Гаффаров, Э.М. Байбекова, М.В. Бекметов, С.С. Агзамхужаев// Российский стоматологический журнал, 11-13. 2004.
2. Гаффаров С.А. Анализ функционально-структурного изменения ткани полости рта у рабочих химического завода фурановых соединения. «Стоматология» Среднеазиатский научно-практический журнал, 27-30. 2004.
3. Гаффаров С.А. Биохимический анализ количества микроэлементов биосубстратов у рабочих Ферганского завода химического соединения. Медицинский журнал Узбекистана, 78-82. 2004.
4. Гаффаров С.А., Мамедова Ф.М. Влияние физических, химических, микробиологических факторов и естественной хлопковой пыли на слизистую оболочку ротовой полости у рабочих красильно-отбеливающего цеха «Стоматология» Среднеазиатский научно-практический журнал, 6-8. 1999.
5. Гаффаров С.А., Идиев Г.Э., Ризаев Ж.А. Заболевания слизистой оболочки полости рта и губ. //Учебное литература для медицинских ВУЗов. 396 с. 2008.
6. Гаффаров С.А., Агзамходжаев С.М. Заболеваемость кариесом зубов у работников Мубаракского газоперерабатывающего завода / С.А. Гаффаров, С.С. Агзамхужаев «Стоматология» Среднеазиатский научно-практический журнал, 18-20. 2001.
7. Гаффаров С.А. Изучение уровня функционально-структурного состояния тканей органов полости рта у лиц, занятых на Алмалыкском и Нижнетагильском металлургическом производств / С.А. Гаффаров, С.Е. Жолудев, У.К. Назаров // Уральский медицинский журнал, 5-8.
8. Гаффаров С.А. К вопросу о возможном влиянии производственных загрязнений на заболеваемость рабочих Ферганского НПЗ. «Нефть и Газ» научно-технический журнал, 45-47. 2001.
9. Гаффаров С.А. К вопросу об условиях труда рабочих Ферганского химического завода фурановых соединений. «Теоретической и клинической медицины», 102-104. 2001.
10. Гаффаров С.А. Клинико-биохимическое обоснование течения и лечения заболеваний тканей пародонта и слизистой оболочки полости рта у рабочих производства синтетических моющих и чистящих средств/ С.А. Гаффаров, Ф.И. Ибрагимова// Медицинский журнал Узбекистана, (4) 45-50. 2019
11. Гаффаров С.А. Клинико-функциональное состояние здоровья рабочих нефтехимических предприятий в зависимости от санитарно-гигиенических условий труда/ С.А. Гаффаров, С.Ш. Олимов// Журнал «Теоретической и клинической медицины», 93-99. 2005.
12. Гаффаров С.А. Проблемы и вредные действия на ткани полости рта у рабочих гигиенические условия труда цехов горнодобывающей промышленности //С.А. Гаффаров, С.С. Агзамхужаев, Ф.Т. Шамсутдинова// «Стоматология» Среднеазиатский научно-практический журнал, 82-86. 2005.
13. Гаффаров С.А. Профилактика стоматологических болезней у рабочих текстильного промышленно-сти/ С.А. Гаффаров, Ф.М. Мамедова // Стоматология, 35-38. 2000
14. Гаффаров С.А. Санитарно-гигиенический, структурно-функциональный, клиника-экспериментальные анализ условий труда и здоровье рабочих нефтехимической промышленности Республики Узбекистан. Медицинский журнал Узбекистана, 86-92. 2005.
15. Гаффаров С.А. Состав микроэлементного состава зубов у рабочих Ферганского нефтеперерабатывающего завода/ С.А. Гаффаров, С.С. Агзамхужаев, Л.И. Жук // Проблемы стоматологии 14 (4), 26-27. 2001.
16. Гаффаров С.А. Санитарно-гигиеническая характеристика условий труда в основных цехах Бухарского текстильного комбината. Научный журнал «Исследод» 2 (2), 68-74-8
17. Гаффаров С.А. Стоматологический статус рабочих основных отраслей промышленности Узбекистана /Гаффаров С.А., Олимов С.Ш., Саидов А.А., Шамсутдинова Ф.Т. / Монография. 208 с. 2006.
18. Гаффаров С.А. Стоматологический статус и условия труда рабочих красильно-отбеливающей фабрики /С.А. Гаффаров, А.А. Саидов // Журнал «Врач-аспирант» №1.2 (50) С.273-278. Россия-2012.
19. Гаффаров С.А. Тиш аттик тў имасининг кариес булмаган жароҳатлари этиологияси, даволаш ва профилактикаси /С.А. Гаффаров, А.Б. Ахмедов // Доктор ахборотномаси, 148-153. 20019.
20. Гаффаров С.А. Условия труда частота поражения зубов химическом некрозом у рабочих предприятий химической промышленности /С.С. Агзамхужаев, С.А. Гаффаров, А.С. Бобожонов //«Вестник межр-ной ассоциации «Здравоохранение Поволжья». №7. С.48-50. Самара. Россия –2002

21. Гаффоров С.А. Улучшение условия труда и организация квалифицированной стоматологической помощи для рабочих Бухарского текстильного комбината. Мамедова Ф.М., Гаффоров С.А., Бекметов М.А., Мирзаев М.М. 1998.
22. Гаффоров С.А. Функционально-структурного анализ изменения ткани полости рта у рабочих химического завода фурановых соединения. «Стоматология» Среднеазиатский научно-практический журнал, 27-30.
23. Гаффоров С.А. Клинико-биохимическое обоснование течения и лечения заболеваний тканей пародонта и слизистой оболочки полости рта у рабочих производства синтетических моющих и чистящих средств/ С.А. Гаффоров, Ибрагимова Ф.И.// Медицинский журнал Узбекистана, (4)45-50/ 2019
24. Гаффоров С.А. Экологическая стабильность, стоматология и здоровье человека. Ekological stability, dentistry and hyman health. Олимов С.Ш., Гаффоров С.А., Атабаев Ш.Т.// Руководства для педогогов, медиков, экологов, клиничес.ординаторов ВУЗов. Редакция «Академнашр» 330 с.Ташкент-2014.
25. Элементный состав зубов у рабочих Ферганского нефтеперерабатывающего завода/ С.А. Гаффоров, С.С. Агзамхужаев, М.М. Исмоилов, Л.И. Жук// «Стоматология» Среднеазиатский научно-практический журнал, №4. 6-8. 2001.
26. Gafforov S. A. Functional, structural and morphological state of tissues and organs of the oral cavity in people employed in mining and metallurgical factories/ Gafforov S. A., Nazarov U. K. // Test Engineering and management.(83)667-675. 2020